

ТАДБИРКОР

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУН ХИМОЯСИДА

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ҲАМДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ХИМОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲЛАРНИНГ АСОСИЙ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ШУ БОИС МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ДОИР БИР ҚАТОР МУҲИМ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Хусусан, 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга бинан утган йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд тартибида қўллаш амалиётга жорий этилди. Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ана шу Фармон талаблари қандай ижро этилаётганини ўрганиб қандайдир бир қатор қонунбузарликларга йўл қўйилгани аниқланди.

Масалан, Учтепа туман Давлат солиқ инспекциясининг 2005 йил 15 августдаги буйруғи асосида "ZOXIDJON VA ZOKIRJON" хусусий фирмасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар юзасидан ўтказилган режалар текширув якуни бўйича тузилган ҳужжатлар асосида туман Давлат солиқ инспекциясининг 2005 йил 25 августдаги 11/9282 сонли қарори қабул қилинган бўлиб, бу қарорга кўра фирмага

нисбатан Солиқ Кодекси асосида молиявий жарималар қўлланилган ва фирма ҳисобидан ундириб олинган. Шунингдек, Давлат солиқ инспекциясининг буйруғи асосида "MUZAFFAR ABDURAU" хусусий корхонасида ўтказилган режалар текширув якуни бўйича тузилган далолатномага кўра туман Давлат солиқ инспекциясининг 2005 йил 26 августдаги 11/9375 сонли қарори қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси асосида корхонага нисбатан 2002, 2003 ва 2004 йиллар учун ҳисобланган солиқларга нисбатан 10 фоизли молиявий жарима ва тегишли пенялар қўлланилиб, ундириб олинган. Бу каби ҳолатлар яна 23 та режалар текширувлар бўйича тузилган ҳужжатлар юзасидан қабул қилинган қарорларда ҳам такорланган.

Шу тариқа Учтепа туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан юқорида қайд этилган Фармон талаблари бузилиб, ноқонуний молиявий жарималар қўлланилиб, тадбиркорларнинг пул маблағлари ундириб олингани натижасида уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қўпол равишда бузилган. Бу каби қонунбузулиш ҳолатларини бартараф этиш, яъни ноқонуний қўлланилган молиявий жарималарни бекор қилиш ҳақида бошқармасага томонидан Учтепа туман Давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мурофийлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги 57-сонли Қарорининг 7-бандига кўра мажбурий бўлган Адлия бошқармаси тақдимномасининг ижроси туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан таъминланмагани боис ноқонуний қўлланилган молиявий жарималарни бекор қилиш ҳақида Тошкент шаҳар ҳўжалик судига 8 миллион сўм миқдоридagi 20 та даъво аризаси киритилди ва Ҳўжалик

суди томонидан мазкур қарорларнинг 9 таси бекор қилиниб, қолганлари қўриб чиқилмоқда.

Даъвода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони талабларини қўпол равишда бузган туман Давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш сўралди. Бундан ташқари, Учтепа туман Давлат солиқ инспекциясининг масъул мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатларини Назорат қилувчи органлар фаолиятини мурофийлаштирувчи республика Кенгаши Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши муҳокамасига қўйиш ҳақида тегишли хат киритилди.

Адлия бошқармасининг 2005 йилнинг 2-ярим йиллик иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида Мирзо Улугбек туман Давлат солиқ инспекциясида тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга доир қонун ҳужжатларининг бажарилишини танлаб ўрганиб чиқиш натижасида бир қатор қонунбузулиш ҳолатлари аниқланди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Мирзо Улугбек туман Давлат солиқ инспекциясининг 2005 йил 10 августдаги қарори билан "Маша ва Юлия" хусусий корхонасига қарашли савдо шохбчасида қиска муддатли текширув натижасига кўра тушган нарқ пул маблағларидан 22.450 сўм ўз вақтида банк муассасасига инкасса қилинмагани учун Солиқ кодексининг 135-моддаси 12-банди билан 22.450 сўм миқдорда молиявий жарима қўлланилган ва хусусий корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамидан "инкасса" топшириқномаси қўйиш йўли билан ундириб олинган.

Шу каби, тадбиркорлик субъектларига молиявий жарима қўллаш ҳақида 27 та қарор қабул қилинган. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилнинг 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ эди. Шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Мирзо Улугбек тумани Давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритилди ва шу орқали ноқонуний қабул қилинган қарорлар бекор қилинди.

Шундан сўнг, ундирилган ноқонуний молиявий жарималар юзасидан маблағларни тадбиркорларга қайтариш талаб қилиниб, Мирзо Улугбек туман Давлат солиқ инспекциясига тегишли хат йўлланди. Бу каби таъсир чоралари бошқа туманлар Давлат солиқ инспекциясига нисбатан ҳам қўлланилди.

Кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд орқали қўлланилиши турли назорат қилувчи идораларнинг улар фаолиятини аралашувини чеклайди ва эркин фаолият юриштига шариот яратди. Бу эса мамлакатимизда тадбиркорликни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимининг янада такомиллашиб бораётганидан долатлардир.

Долом КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи

Санъат

ВАКОЛАТХОНА ТАШАББУСИ БИЛАН

"РОСЗАРУБЕЖЦЕНТР"НИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЭНГ ЯХШИ ХАТ ЖИЛДАРИ РАСМЛАРИ ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ. ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ КўРИГИГА АЙЛАНГАН БУ ТАДБИРДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАКТАБ Ўқувчиларидан юздан ОРТИҚ НАФАРИ ҚАТНАШИШДИ.

Пойтахтимиздаги "Радуга" тасвирий санъат студияси аъзолари томонидан ажилган расмлар кўпчиликлари манзури бўлди. Улардан айримлари янги хатжилдларда ўз аксини топадиган бўлди.

Фелибар Россияда янги йилга бағишлаб чоп этилган турли нашрлар билан тақдирландилар.

Вакولاتхона навбатдаги ижодий танловини ҳам эълон қилди. "Россия — йил фасларида" деб номланган бу маҳорат кўриги икки ой давом этади.

СЕВИМЛИ ДАРГОҲ

ПОЙТАХТИМИЗДА АТОҚЛИ КИШИЛАР НОМИ БИЛАН АТАЛГАН УЙ-МУЗЕЙЛАРДАН БИР НЕЧТАСИ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА. МАШҲУР МўЙҚАЛАМ УСТАСИ ўРОЛ ТАНСИҚБОВЕВ ЯШАГАН ХОНАДОНДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УЙ-МУЗЕЙ ҲАМ ТОМОШАБИЛАР ЭЪТИБОРИНИ ўЗИГА ТОРТИБ КЕЛМОҚДА.

Шу кунларда нафосатга тўла бу даргоҳ кишилар билан янада гавжумлашди. Дарвоқе, атоқли расмом хотирасини асқ эттирувчи уй-музей очилганига 25 йил бўлди. Пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган мазкур маданият маркази шу ўтган чорак аср мобайнида ўзига хос нафосат ва маҳорат ўчоғига айланди.

Ўрол Тансиқбоевнинг энг яхши асарлари намуналари уй-музейнинг доимий экспонатларига айланди.

Бундан ташқари бу ерда бўлган томошабин расмом ижоди билан боғлиқ муҳим воқеалар билан танишадди. Хамқаблари ва шогирдларининг эсдаликларини учун алоҳида бурчак ажратилди. Чорак асрлик санаси муносабати билан давра сўхбатлари ҳам ўтказилмоқда.

Таълим

ЛУГАТ — МАЪЛУМОТНОМА

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН БИРНЕЧА ЯНГИ ўқув АДАБИЁТЛАРИ ЯРАТИЛДИ. ТИЛ ВА АДАБИЁТ Бўйича БОСМАГА ТАЙЁРЛАНГАН ҚўЛЛАНМАЛАР ҲАМ ЧОП ЭТИЛМОҚДА.

"Бадиий санъат жозибаси" лугат-маълумотнома деб номланган янги нашр ҳам босма юзини кўрди. Шейрий санъатларни ўқувчиларга тўлароқ ва муқаммалроқ тушуниришда қўл келадиган манзур қўлланмада дарс машғулотларида фойдаланиладиган лугатлар кенг изоҳланган.

Бу каби маълумотлар тил ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда абитуриентлар учун тест тақдим этилди бўйича қўлланма бўлиб хизмат қилади.

БАКАЛАВРЛАР УЧУН ҚўЛЛАНМА

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА ҚўЛЛАБ ИЛМИЙ КЕНГАШЛАР ИШЛАБ ТУРИБДИ. "РАДИОТЕХНИКА, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШЛАР" ФАКУЛЬТАТИНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ ҲАМ КЕНГ ЙўЛГА ҚўЙИЛГАН.

Унинг тавсияси билан бир неча ўқув адабиётлари босмага тайёрланди. Бакалаврлар учун чоп этилган қўлланмалар ҳам эътиборни ўзига тортади.

"Телевидение, радиоалоқа, радиоэшиштиришлар" деб номланган тўпلام эса яқинда тақдим этилди. Олий ўқув юртининг доценти Дмитрий Ликонцев муаллифлигида яратилган бу нашр унинг кўп йиллик ишлашилари маҳсули сифатида юзага келди.

Бу йрик тадқиқотчи ўзининг қатор ишлари учун Москвадаги халқаро алоқа академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланди.

Самандар ДОЛИЕВ

Тадбирлар

ЭЛ СўЙГАН САЊЪАТКОР ЭДИ...

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ, «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ СОҲИБИ ШУКУР БУРХООНОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ЭЛ СўЙГАН САЊЪАТКОР ЭДИ...» ДЭБ НОМЛАНГАН ИЖОДИЙ КЕЧА БўЛИБ ўТДИ.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш биросмаси, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорликда ўтказдилар.

Кечада Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммадҷонов, Ўзбекистон халқ артистлари Рихси Иброҳимова, Теша Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Пўлат Носиров, Мадина Мухторова ва бошқалар Ҳамза Ҳакимҷода Нийзий номидаги мусика коллежи талабалари, «Маънавият ва маърифат» маркази Мирзо Улугбек тумани бўлими ходимлари ҳамда бир қанча меҳмонлар Шукур Бурхоновнинг ҳаёти, ижоди, талқин этган роллари ҳақида ўзларининг гўзал ва унутилмас хотираларини ўртоқлашдилар. Жумладан, улар ўз сўзларида Шукур Бурхоновдек ноёб истеъдод эгаси, бағри кенг олижаноб инсоннинг умр йўллари наинки санъат оламида балки оддий инсонлар хотирасида ҳам ўчмас из қолдирганини, санъаткор талқин этган роллар эса кино, театр соҳасида ибратли мактаб, эзгуликка чорловчи улкан сабоқ бўлишини таъкидлаб ўтдилар.

— Шукур Бурхонов, Аброр Ҳидоятлов, Олим Ҳўжаев, Наби Раҳимов, Сора Эшонтураева каби актёрларнинг, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қахрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммадҷонов, — ўзига хос такорланмайдиган ўлмас образлари абадул-абад халқ қалбига эъзозланиб яшайверди. Шукур Бурхоновнинг номини ҳаяжонланмасдан айта олмаймиз. Чунки Шукур аха нафақат ноёб истеъдод эгаси, балки ҳақиқий инсон ҳам эди. Бошқалар дардини, ташвишини доимо ўзиникидай қабул қилиб, уларнинг манфаатлари йўлида елиб-югурарди.

Кечада актёр ижро этган роллар ва ҳаётий лавҳалар экранда намойиш этилди. Шукур Бурхонов катнашган спектакллardan парчаларни талабалар зўр маҳорат билан ижро этдилар.

Марат Асадуллоев сценарийси асосида савол-жавоб, мулоҳаза, теран фикр ва бахсларга бой тарзда мароқли ва мазмунли ўтган ижодий кеча йиғилганларнинг қалбидан муносиб жой эгаллади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Интиланганга толе ёр

МИЖОЗ ҲАМ, ХАРИДОР ҲАМ МАМНУН БўЛАДИ

ХАЛҚИМИЗДА «Эскини ямаб эсинг кетади» деган нақл БАРОВАРИДА «ЯНГИНИ ЭСКИ АСРАЙДИ» деган ИБОРА ҲАМ БЕЖИЗ АЙТИЛМАГАН.

Тадбиркор Лола Галъка ҳам ўз фаолиятини худди шу нақлга амал қилган ҳолда бошлаган эди. Албатта, қиммат нарҳда харид қилган чарм либосингиз эскириб қолди ёки бичими бугунги мода талабига жавоб бермайди, лекин ташлаб юборишга кўзингиз ҳам қиймайди. Нима қилиш керак? Ана шуларни назарда тутган Лола тадбиркорлик билан иш юришиб, ўз хунарини ишга солади. Чунки у болалигидан онаси ёрдамида бичиш-тиқиш ишларини кўнгил билан эгаллаганди.

Хусусий тадбиркор сифатида иш бошлаган Лола эскирган чарм маҳсулотларидан мижознинг буюртмасига кўра янги бичимдаги кийим-кечаклар, сумка ва хамёнчалар, эсдалик совғалари тайёрлашни йўлга қўйди. Шу билан бирга маҳаллий чарм хом ашёсидан устки кийимлар тика бошладимики, ушбу нархи бирмунча арзон маҳсулотлар четниқидан асло қолишмайди.

— Албатта, ҳар бир маҳсулот, сифатли хизмат харидор ва мижоз учундир, — дейди Лола Галъка. — Шу боис ҳам маҳсулот тайёрлашда ҳам, хизмат кўрсатишда ҳам сифатга эътибор билан ёндошаман, шогирдларимдан ҳам шуни талаб қиламан. Шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, 2000 йилда хусусий тадбиркор сифатида Сергели туманида иш бошлаган бўлсам, туман, шаҳар тадбиркорлар палатаси кўмағига таянишим, ишлашни ва муваффақиятларини анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловига намойиш этдим.

Дарҳақиқат, Лола хусусий тадбиркор, уста чевар сифатида мунтазам равишда «Ташаббус» кўрик-танловининг туман босқичида ғолибликни қўлга киритиб, «Энг яхши хунарманд»

номини олган, шаҳар босқичида ҳам турли номинациялар совриндори бўлган. Шунингдек, унинг ўз маҳсулотларини пойтахтимизда ўтказилаётган ярмарка ва савдо кўرғазмаларида намойиш этиши буюртмалар ортишида муҳим ҳисса бўлмоқда.

Янги йилни хусусий тадбиркор ўзгача ўй-ниятлар билан бошлади. Чунки у ўтган йил охирида иш бошлаган «Дунё-чарм» масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қилмоқда. Яққасарой туманида жойлашган ушбу ателье-корхона ўз мижозларига жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш, рақобатбардош чарм маҳсулотларини тайёрлашни мақсад қилиб қўйган. Хорижий дастгоҳлар билан жиҳозланган бичув, тикув, дазмол бошиш хоналари, тайёр маҳсулотлар намойишига мўлжалланган кўрғазмалар зали мавжуд бўлиб, айна пайтда бу ерда 4 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Йил охиригача эса яна 10 нафардан зиёд ёшларга иш ўринлари ташкил этиш режаланган.

Ҳозирда корхона тадбиркорлари янги йўналиш бўйича ҳам иш бошладилар. Ички бозорни ўрганиш асосида сифатли шойи матосидан ётоқхона мебеллари учун ёпқичлар тўпلامини тайёрлашмоқда. Ушбу маҳсулот чироғийли дизайни билан ажралиб туради. Янги харид қилинган нақш тушириш дастгоҳи ёрдамида харидор эътиборини тортиш ҳамда маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида гул ва турли шакллар тикилмоқда.

— Биз ўзимизнинг маҳаллий хом ашё — табиий чармдан сифатли, чидамли, замонавий либослар тайёрлашни мақсад



қилганмиз ва бунга эришмаямиз, — дейди Лола Галъка. — Келгусида эса фақатгина ички бозор билан чекланиб қолиш ниятимиз йўқ. Шу боис ҳам Республика Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси кўмағидан самарали фойдаланиб, хорижага чиқиб, ҳамкорлар топши, янги ускуналар келтиришни ҳам режалаб қўйганмиз. Ана шунда маҳсулотларимизни экспорт қилиш имконияти ҳам ортади.

Жорий йилда жамият тадбиркорлари ўз фирма дўконларини ҳам ташкил этиб, харидорларга қўлайлик яратишга саъй-ҳаракат қилишмоқда. Бундан албатта буюртма олиб келган мижозлар, маҳсулот сотиб олаётган харидорлар ҳам мамнун бўладилар.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: мохир тикувчи **Замира Жалилова.**

Ҳақимжон Солихов
олган сурат.

Муносабат

КАСАНАЧИЛАРГА АЙНИ МУДДАО

● Нилуфар ИСМАНОВА, каштачи: — ҚўЛИДАН БИЧИШ-ТИҚИШ, Тўқиш, зардўзлик билан шугулланиш келадиган хотин-қизларимиз ҳам жуда кўпчиликлари ташкил қилади.


Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам корхона ёки ташкилотларда ишлаш учун шариот, имконият этишмайди, оилавий муҳит тўғри келмайди. Шу боис ҳам айрим қўли гул хотин-қизларимизнинг ярата оладиган маҳсулотлари тайёрланмай қолади.

Ана шундай аёлларга уйда ўтириб ишлаш жуда қўлай. Бундай шариотда улар уй юмушларига ҳам, фарзанд тарбиясига

ҳам вақт топишади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Ички санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони уйда ўтириб ишлашни хоҳловчи аёлларни иш билан таъминлашда, уларнинг маҳора-

тини оширишда, оила бюджетини ҳам мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шуниси қувонарлики, ушбу Фармонга мувофиқ эндиликда корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига кириб, уларга ҳам меҳнат дафтарчаси берилади, пенсия ва ижтимоий сўғурта бўйича нафақа тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади.

Бундан ташқари Фармонда касаначилар учун жуда кўп имтиёз ва қўлайликлар кўзда тутилганлиги кўпчиликни мамнун этмоқда. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш касаначилик ривожига, аҳолини иш билан таъминлашга, шунинг баробарида эл-юрт фаровонлигига хизмат қилади. Ўз хунарларини уйда ўтириб намоен эта олмаётган аёлларнинг маҳорати янада ортади, меҳнатлари кўзга кўринади. Айниқса, биз сингари зардўз ва каштачиларга бу айни мудадоир.



Ёшлар — келажакимиз

НАФОСАТ ВА ЭЗГУЛИККА ЙЎҚИЛГАН АСАРЛАР

ЎТГАН ЙИЛИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМДАГИ ҚУРИЛИШ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ НАТИЖАСИДА ҚИСҚА ФУРСАТДА «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАХАРЧАСИ ҲАМ БУТУНЛАЙ ЯНГИЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ.

Эндиликда замон талаблари асосида қайта бунёд этилган бинолар, талабалар турар жойлари, спорт иншоотлари кўрган кўзларни қувонтиради. Ушбу бинолар дунёнинг энг юксак архитектура ютуқлари намуналари билан беллаша оладиган даражада безалди ва жиҳозланди.

Айниқса, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бунёд этилган «Маънавият ва маърифат» марказида амалга оширилган жўшқин бунёдкорлик жараёнида иштирок этган кўплаб қурилиш, таъмирлаш, архитектура ташкилотлари ва вазирилик қаторида Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежи ҳамда Республика дизайн коллежининг ижодкор талаба-ўқувчилари ҳам ўз устозлари бошчилигида муносиб ҳисса қўшганликларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Ўзбекистон Бадий академияси тошйирига биноан мазкур таълим масканининг ижодкор талабалари ва ўқитувчилари ўтган йил 20 ноябрдан 25 декабрга қадар талабалар шаҳарчасида энг шимари меҳнат қилдилар. Ижодий штаб ишини мувофиқлаштиришда Бадий академиянинг ижодкор ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи А.Эгамов, К.Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Р.Худойбергванов, институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори А.Ақбархўжаев ҳамда Республика рассомлик коллежи ди-

ректори Х.Аминовлар бош бўлдилар. Шаҳарчадаги мавжуд талабалар уйлари атрофи ландшафтини манзарали уйма ҳайкалсимон тошлар билан безашда ўқитувчилар Амалий санъат факультети кафедраси ўқитувчи ва талабалари ўз санъатларини намойиш этишди. Шунингдек, Тошкент Давлат техника университетининг «Маънавият ва маърифат» маркази биносининг атроф боғ ҳудудини безашда институтнинг бадий кулолчилик кафедраси ўқитувчи ва талабалари муносиб улуш қўшдилар. Шу билан бирга марказ атрофи, хоналари интерьерларини, фойе ва залларини институтнинг ижодкор талабалари асарлари билан бадий безашда ҳайкалтарошлик кафедраси мудири, катта ўқитувчи У.Қурънов, бадий кулолчилик кафедраси мудири, катта ўқитувчи Ф.Тошмуҳамедов ҳамда рангтасвир кафедраси ўқитувчилари ҳам жонбозлик кўрсатишди. Бинонинг фойесидан «Наво» деб номланган ёш йигит сиймосидаги ҳайкалтарошлик асари ўрин олган. Унда ёшларимизнинг эстетик ҳаёли санъатга интилиши яққол намойиш бўлган. Марказ биносининг мажлис залли деворлари ҳам тасвирий санъат факультети талабаларининг манзара, натюрморт каби рангтасвир асарлари билан безалган. Матода мойбўёқ билан бажарилган асарларда гўзал ўлкамизнинг меҳнаткаш халқи ютуқлари, илмга чанқоқ ёшлар кечинмалари ва албатта она еримизнинг бетакорр табиати манзаралари кўринишлари ўз аксини тошган. Шаҳарчаннинг боғ ҳудудларидан институтнинг бадий кулолчилик кафедраси талабаларининг «Интилиш», «Вақт», «Ёшлик» ва «Чархпалак» деб номланган юкори ҳароратда пиширилган сирланган керамика асарлари ҳам ўрин олган. Ушбу талабалар турар жойларида фойелардан бошлаб ҳар бир қаватларда хона эшиклариде талабалар ҳақида маълумот берувчи кўрсаткичлар, мосламалар институт дизайнлари томонидан комплекс равишда амалга оширилди. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, талабалар турар жойлари, «Маънавият ва маърифат» маркази хо-



налари, спорт заллари, ота-оналар, меҳмонлар учун хоналарнинг тасвирий санъат асарлари билан безатилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларда илмга чанқоқ, ижодкор, изланувчан, истеъдодли ёшларнинг ҳаётлари, турмуш тарзи ўз аксини тошган.

Республика рассомлик коллежида тахсил олаётган бир қатор рассом-ҳайкалтарош талабалар устозлари Р.Шоабдурасулова ва А.Ҳошимовлар ёрдамида ўзларининг ҳайкалтарошлик композициялари билан «Маънавият ва маърифат» маркази биноси ҳамда талабалар турар жойлари биноси олдидеги кўм-кўк майсалар экилган ҳовлига турли шакл ва рангли тошлардан безак бердилар. Ушбу композициялар бино олдидеги ям-яшил майсалар билан уйғунлашиб ўзгача тароват бахш этмоқда. Айниқса, дизайн рассом Р.Исмаинов, Ф.Пашев ва Б.Жўраевнинг «Оналик», Г.Горин ва А.Ганиевнинг «Аёл бахти», Б.Намозовнинг «Келажак сари» композициялари ўзининг замонавийлиги, нафис ишланганлиги ва атроф-муҳит билан уйғунлиги орқали киши эътиборини ўзига жалб этади.

— Ҳайкалтарош талаба-ёшларимиз «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бунёд этилган янги бинолар олдидеги боғни ўз ижодлари орқали табиатнинг ҳайкалтарошлик билан уйғунлигини таранум этган бўлсалар, рангтасвирчи рассомларимиз ижодига мансуб бўлган бир қатор манзара ва натюрморт асарлар талабалар турар жойлари ички деворларида замонамиз руҳини акс эттириб турибди, — дейди Республика рассомлик коллежи директори Ҳасан Аминов. — Бундай ажойиб биноларни безаш ишларида талаба-ёшларимизнинг ўз ижод намуналари билан иштирок этишлари, замонамиз ёшлари орасида гўзалликка интилиш каби эстетик фикрнинг ривожланиши ва кенг омма орасига ёйилиши билан бир қаторда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Уйлаимизки, эндиликда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги бундай шарт-шароитларга жавобан талабалар астойдил билим олиб, мустақил Ўзбекистонимиз келажакни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб умид қиламиз.

ДИЛОМОР ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида талабалар томонидан бажарилган кичик меъморий ечимлардан намуналар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА ШАРҚШУНОСЛИК СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН АНЪАНАВИЙ ИЛМИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ҲАМНАМ.

ШАРҚШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан илм-фаннинг барча йўналишлари, жумладан шарқшуносликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу борада шарқ халқларининг тарихи, маданияти, тили ва адабиёти, қадриятлари, урф-одатлари ҳамда фалсафасини хар томонлама ўрганиш, халқимизнинг жаҳон цивилизацияси, хусусан шарқ халқлари маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини чуқур тадқиқ этишга муҳим аҳамият берилаётган.

Институтимизда фаолият юритаётган қарийб тўрт юз нафар профессор-ўқитувчи, олим ва мутахассиснинг асарияти таълим-тарбия ишлари билан бирга, Вазирилик Мақамаси хузуридеги Фан ва технологиялар марказининг ўнта гранти асосида кенг кўламли илмий-тадқиқотлар олиб бораётган. — дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти илмий ишлар бўйича проректори М.Қомилов Ў.А. мухбири. — Изланишлар натижаси монография, рисола ва туркум нашрларда чоп этиляпти. Бу йил ўндан кўпроқ янги илмий лойиҳа мазкур марказ таълиғига тақдим этилди.

Анжуманда мамлакатимизда истиқлол йилларида шарқшунослик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва галдаги вазифаларга бағишланган олти мишдан зиёд маъруза тингланди. **Б.ХИДИРОВА, Ў.А. мухбири**

ЁШ РАССОМЛАРГА ЎЗ ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШГА ИМКОН ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ИКУЮ ХИРАЯМА НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ «КАРВОН САРОЙИ»ДА «КЕЛАЖАК ЮЛДУЗЛАРИ» НОМЛИ КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.

Кўргазмалар

КЕЛАЖАК ЮЛДУЗЛАРИ



Анъанага айланиб бораётган «Янги номлар» йўналиши асосида ташкил қилинган ушбу кўргазмада Тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати иштирокида ўқувчилари — Надежда Филимонова ҳамда Фуркат

Мансуровларнинг рангтасвир ва графика йўналишидаги натюрморт, портрет ва манзара жанрларида яратилган 100 дан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. — Тўрт ёшдан Рассомлик ва мусика лицейи қошидаги қўшимча машғулотларга қатнаган Надежда бугунги кунга келиб Тошкент шаҳридаги Республика Тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати рангтасвир бўлимининг 11-синфида таълим олмақда, — дейди жумладан унинг устози Данил Кулуев. — Агар у чизган тасвирларга эътибор билан қарасангиз ундаги нозик чизгилар, кенг ҳаёлот дунёсидан баҳраманд бўласиз. Надежда ёш бўлишига қарамай «Дала гуллари», «Гуллар билан натюрморт», «Ботаника боғида», «Кунгабоқар билан натюрморт» каби асарлари билан томошабинларда катта таассурот қолдирди. Айни пайтда у кўпгина халқаро болалар расм тан-

ловларида иштирок этиб, дипломлар ва кумуш медаль билан тақдирланган. «Келажак юлдузлари» номили кўргазмадан ёш рассом Фуркат Мансуровнинг ҳам ижодий ишлари ўрин олган бўлиб, у томонидан чизилган «Самарқанд-Дарвоза», «Назарбек Тарнов», «Улоқ», «Она ва бола», «Уратена махалласи» каби асарларда ажойиб манзараларнинг гувоҳи бўласиз. — Ҳозирда Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати рангтасвир бўлимининг 9-синфида тахсил оламан, — дейди Фуркат Мансуров. — Келажакда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида тахсил олиб, манзарачи рассом бўлиб етишиш ордуним.

Кўргазмадан ўрин олган Фуркатнинг ижодий ишларини кўзатар экансиз унинг потенциалли реалистик услубда яратилганлигининг шохиди бўласиз. Шу ўринда қисқача Республика Тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ҳақида тўхталиб ўтадикан бўлсак, айни пайтда ушбу ўқув максаида республикамизнинг барча вилоятларидан 650 нафарга яқин ўқувчи рассомлик ва мусика сирлари бўйича тахсил олмақдалар. Лицей ўқувчилари ижодкор ёшлар орасида ўтказиладиган шаҳар, республика ва халқаро кўрик- танловлар, кўргазмалар ва турли тадбирларнинг фаол иштирокчисидир. Ўтган вақт ичида лицей бир қанча ўқув юртлари, Меҳрибонлик уйлари ва ногиронлар интер-

Мулоҳаза

ЛОҚАЙДЛИК — ЁМОН ИЛЛАТ

КИШИ БАЪЗАН ШУНЧАЛАР ЗЕРИКАДИ-КИ, ХУДДИ ШУНДАЙ ВАҚТЛАРДА КЎЧАГА ЧИҚИБ АТРОФНИ, ОДАМЛАРНИ КУЗАТТИМ КЕЛАДИ. БУГУН ЯНА ЗЕРИКДИМ ВА КЎЧАГА ЧИҚИБ СЕВИМЛИ МАШГУЛОТИМНИ БОШЛАДИМ.

Катта кўчани тўлдириб, бир тўда болалар келишяпти. Кўринишлари 14 ёшдан ошмаган болалар эканлигини айтиб турибди. Қўллариде улар учун «Ҳинчок-ка айланиб қолган восита. Уни ўзаридан бир неча қаддам олдинда кетаётган қиз томон отишди. Пақиллаган овоздан қиз кўрқиб кетди. Қизнинг аччиқ устида айтган гаплари болаларнинг кулгисига сабаб бўлди холос. Шу ердан бироз наридаги автобус бекатидаги одамлар бу манзарани кузатиб туришган эди. Аммо ҳеч ким болаларга танбех бермади.

Шу йўлнинг бошида бир ёши кексаган аёл турарди. Унинг қади эгилган, ҳассасига зўрга таяниб турибди. У катта кўчадан ўтолмаяпти шекилли. Таваққал қилиб энди ўтаман деган эди ҳам-ки, узокдан тезликни ошириб келаётган машина сигнал бериб қолди. Ҳа, энди бир ўзи йўлдан ўта олмаслигига қўзи етди. Ёрдам сўраш учун атрофидан бирор одамни излай бошлади. Одамлар кўп. Лекин кимдан илтимос қилишни билмайди. Бир қиз кампирга қараб турди-ю, йўлида давом этмоқчи бўлди. Ниҳоят кампир уни тўхтатди. — Қизим, Худо хайрингни берсин, менга ёрдамлашиб юбор. Киз йўқ деълазди. Кампирни йўлнинг у томонига ўтказиб қўйди ва шу заҳоти ортига қайтди. Кампир ҳам юришда давом этар экан йўл-йўлақай бу олижанон қизни дуо қилиб борарди. Буюм расталари томон юрдим. Кампир мени туртиб ўтди. Турган одам кимнидир қувлаб кетаётган экан. Одамларнинг гап-сўзларидан қичкина болакайнинг сотувдаги буюмларнинг бирини ўйирлаганини, шунинг учун сотувчи йигит уни қувлаб кетаётганини билиб олдим. Бир оздан сўнг сотувчи йигит қўлида ўйирланган гап-сўз билан жойига қайтди. Шериклари хурсанд, гап бошлашди. — Яхшиям, билиб қолдик. Бўлмасда шунча пуллик молдан айрилар экансиз. Қандай қилиб олдингиз? — Ҳа, кичкина бола экан-ку, тезроқ юргудим. Қўрққандан йиқилиб тушди, сўмжам олдим, болани яхшилаб тепкилаб, ортимга қайтдим. Иккинчи менинг нарсамга қўлини теккизмайди. Сотувчи йи-

лит фақатгина ўзининг «фалон» пуллик моли учун югурди шекилли. Агар бу сумканинг нархи қиммат бўлмаганида ёки буюм унга тегишли бўлмаганида югуриб ҳам овора бўлмасди. Бу ердагиларни ҳавотирга солгани қимматбаҳо сумка бўлди холос. Ёшгина бола нега ўйрилик қилапти яна бу ишга қўл урармикан, ким ўзи у? Бу саволлар ҳеч қимни қизқирмади. «Бизга нима. Бизда ҳам бола-чака, унинг ташвиши бор. Бу болага келсак, ота-онаси бош қотирсин унинг тарбияси билан. Ота-онаси бўлмасда, бу иш билан шугулланувчи муассасалар бор-ку». Кўпчилик шундай ўйлайди. Афсус, эртага шу каби болаларнинг «катта ўғри» бўлиб етишишлари аниқ шундай лоқайд кишиларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлиши табиий.

Автобус бекати одамлар билан гавжум. Бехосдан кўзим шу ердаги арик бўйида ётган одамга тушди. Йўқ, бир мен эмас ҳаммининг кўзи унда. Шу вақт аёлларнинг ўзаро шивир-шивири кулоқа чалинди. — Хурмачасига сигса ичсин-да, думалаб ётишимизга. Балки у касал бўлгани учун шу аҳволда ётгандир. Бу ўй кимнингди ҳаёлидан ўтгандир. Бирок ҳеч ким унга ёрдам беришга ошқмади, ҳатто бу ерда тизилиб турган йигитлар, эркаклар ҳам. Уларга нима. Бошларига ташвиш орттиргандан кўра тинчгина манзилларига етиб олганлари яхши эмасми? Ана шундай воқеаларнинг бир кунда неча бор гувоҳи бўламизда лоқайдлик билан қўл силтаб йўлимизда кетаверамиз. Аслида бу лоқайдлик, беъэтиборлик ёмон иллат эканлигини тушунишимиз керак. **Зилола РУСТАМОВА, талаба**

СУЛТОНЛИК БАЙРОФИ ОФТОБНИНГ ЧИҚИШИ ВА САЛТАНАТ ҲАМ ЖАҲОНБОҢЛИК ТАХТИГА ИСТЕЪЛОСИ ЗИКРИ

Хазрати хилофат панохий, яъни мирзо Султон Абу Саъид ибн мирзо Султон Муҳаммад ибн мирзо Мироншоҳ ибн хазрат соҳибқирон Амир Темурутқурган, доимо Мирзо Улугбек хизматига бўлиб келарди. Бу юришда ҳам, Жайхун суви лабида, жаноб Улугбекнинг ўрда у с ида эди. Ана шу мирзо Султон Абу Саъид ёшлик шабадаси эсиб, ўсиб унган вақтдан бошлаб то умр ёши йигирма бешга етган мана шу пайтгача ўз ҳумоюн хотирида тахтга ўтириш ордунини сақлаб, доимо истеъло даъвосио кўтариш суратини ўз жаҳонгирлик замири сафҳасига чизиб келар, унинг ёрқин пешонасидан офтоб нур қарз олар, унинг подшоҳона кўриниши ёруғлигидан Муштарий саодат сармосини жаҳон аҳлига берад, олам салтанатини эгаллаш белгилари унинг қўли аҳолидан сезилиб турар ва бутун одамзод устидан халифалик хислатлари унинг яхши фель-аторидан кўзга ташланар эди ҳамда болалик чоғларида ва ўсиб нашуво нам тоғлан пайтларда жаҳонқушорлик шабадаси унинг шакл-шамоилидан аҳли дилларнинг жон димоғига етар эди. Унинг талъати ёруғлигидан бахт-давлат нурлари офтоб шўъласидек барқ уриб турар эди. Мисраъ: Давлат нури порлаб турган офтобдир. У доимо машоийҳ ва авлиёларнинг фазл бахш хотири ва офтобдек ёрқин замиридан кимё хосиятлик ҳиммат маддадини тилар ва ҳол тили билан жаҳон салтанатига эришишни уларнинг хайрли ботинидан ўтиниб сўрад эди. Унинг баъз ва размада тутган ўрни ва ато этувчи хазрат тангрининг у халифликга муносиб жанобга иноят қилган мамлакат, вилоятлар устидан галабаларини кенг шарқлаш, иншо Оллоҳи таоло, вақт муосоада қилишига қараб сўзланади.

Шундай қилиб, ҳар бир замоннинг ўз наъшаси бор деганларидек ота ва ўғил бир-бирлари билан қаршилашиб турган вақтда мирзо Султон Абу Саъид фурсатни ганимат билиб, аргун эли деб аталган бир тўда кишиларни ўзига хизмат қилишга қўнғирди, «мисраъ»- Самарқандни эгаллаш учун жўнади ҳамда катта бир гуруҳни атрофига йиғиб шаҳарни муҳосара қилишга киришди. Мирзо Абдулазиз кўп лашкар ва бехисоб

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ «МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН» АСАРДАН БОБЛАР

сипоҳга эга бўлса ҳам жанг қилишга мажол ва урушишга тоқат йўқ ҳисоблаб, юз турли алам ва қўрқин билан ҳисорга кечиниб, нафасини ичга тортиди. Бу хабарнинг учқунини мирзо Улугбекнинг нурли хотирига етишган, унинг ёрқин замирида гайрат олови аланга олиб, хайрат тутуни димоғидан чиқди ҳамда Термиз ташқарисидан Самарқандга юришдан бўлак чора топмади. Унинг лашкари шу қадар паришон бўлдики, кўп хийма ва хиргоҳ, саропарда ва боргоҳларни жойида қолдириб, ҳар киши бир тарафга қараб жўнади. Мирзо Султон Абу Саъид мирзо Улугбекнинг келганлигидан хабар тоғлаб, сабот ва қарор оёғи ўрндан силжиб, бир неча кунни замонасозлик билан ўтказишни маъқул топди ва шунга биноан, аргун элига кириб кетди.

Мирзо Абдулатиф Жайхундан ўтиб, Шахрисабзга келди ва бир неча кун шу ерда турди; бу ноҳияда лашкарларни жамълаб, лашкарларнинг керак арокларини тўла тартибга келтирди, сўнгра зафар юзини Самарқандни фатҳ қилишга қаратди.

Мирзо Улугбек фалакларнинг айланишидан бениҳоят, офтоб зарраларидек беҳад ва саноксиз сипоҳ билан қаршилашиб қарори ва жангу жадал қасдида Самарқанддан ташқари чиқди. Дамашқ қиллоғи ақинида икки санднинг ақинлашуви ва икки гуруҳнинг тўқнашуви юз берди. У икки хунрез лашкар ва у икки фитнес кўзгатувчи тўда бир-бирига ташландилар ва шердиллигу пахлавонлик додини бердиллар, уқлар оташининг дуди Кайвон айвонига етди, қон тўкувчи тиг алангаси осмонга тил тортиди, далирлар ўқ учмига қора ниятлилар кўзи чашмасидан сув бердилар, диловарлар ханжар наштери билан жон томирини очдилар. Охири зафар ва галаба шабадаси Балх лашкари томондан эсди, умид тонги мирзо Абдулатифнинг мурод матлаъидан кўринди. Самарқанд сипоҳи қанг гирибонидан қўлларини тортиб қочиб бибонига ўз тутиди, Мирзо Улугбек жангдан жилов тортиб, шамолдек самандига шитоб бериб, Самарқандга шошилди. У юз турли хайрат ва ҳасрат билан от сурар ҳамда гайрат ёшини ибрат кўзидан қуйиб, айтар эди, -байт,-

Хумон қувватда Бижандан устун эди, Аммо, бахт қайтгач, хунар ҳам нуқсонга айланади.

У Самарқандга келиб Арқа кирмоқчи бўлган эди, унинг ўзи тупроқдан кўтаргани ва Арқа г у м о ш т а қилиб қўйгани Мироншоҳ Кавчин унинг кўрағига рад қўлини тиради. Мирзо Улугбек минг-минг дарду машаққат ва туман-туман ҳасрат чекиб, фарзанди мирзо Абдулазиз ва бир неча навкарларни мулозим қилиб, Шохруҳия томон чиқиб кетди. Мисраъ:

Мен кетмоқдаману, ҳасрат туғайли орқага қайрилиб қарайман.

Мирзо Абдулатиф доруссалтана Самарқандга келди, салтанат тахтио давлат пойтахти ўлиши бўлди. Шохруҳия турли-туман хазинаю захиралар билан тўла, бир неча йиллардан бери гардун ҳодисаларидан сақланиб, амон қолиб келаётган бир ҳисор эди. Мирзо Улугбек бу ҳисорга етгач, замона ойнасида қандай сурат ақсланар экан, шунини кўрайин, деб бир неча кунни Шохруҳияда ўтказмоқчи бўлди. Аммо у ернинг доругаси Пўлод ўғли Иброҳим мирзо Улугбекнинг мамлуки бўлишига қарамай, ўз валинеъматиға қасд қилиб, уни ушлаб Самарқандга юбормоқчи бўлди. Мирзо Улугбек бу маъини фаҳмлаб қолди, Шохруҳиядан қайтди ва ўз оёғи билан тузоққа тушган овдек, мирзо Абдулазиз билан биргалиқда Самарқандга келди.

Мирзо Абдулатиф хазрат соҳибқирон йўсунича бир кишини хон кўтарган эди, унинг буйруги билан бир неча киши хон олдиде тиз чўкиб: «Мирзо Улугбек бизнинг одамларимизни ноҳақ ўлдирган, биз қасос талаб қиламиз», дедилар. Хон эса: «Хар нимамки шариятта мувофиқ бўлса, шунга биноан амал қилинлар», деб жавоб берди. Мирзо Абдулатиф ҳар турли хийларлар, балки абадий ўлмас тангрининг тақдир билан ўз отаси ва биродарини қатлга етказди ва бу қабиҳ қилмиши туғайли ўз номини барча замондошлар тилида мазкур ва машҳур қилди. Мирзо Улугбек билан мирзо Абдулатиф орасида содир можаро ва уллар орасида юз берган ноахиллик ва кудурат шарҳини баён этишга ва у сўзларни нақл қилишга покиза рақамли қалам мойиллик кўргазмай, у ҳикоятларни кенгайтириш ҳам у сўзларни чуқурлаштиришга нафрат билан қараб юз ўгирди.

Форсчадан Асомиддин УРИНБОЕВ таржимаси



нати каби ташкилотларга болалар ижодий кўргазмаларини бегараз тақдим этиб келмоқда. Кўргазманинг очилишида Тасвирий ва амалий санъат лицейининг ёш мусиқачилари томонидан мусиқий дастур томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, кўргазма давомида Тошкент шаҳридаги Хал-қаро «Олтин мерос» жамғармаси тасарруфидеги «Гавҳар» фольклор гуруҳи томонидан фольклор мусиқалари ҳам ижро этилиб барчада яхши таассурот қолдирди. **Орзуғул РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар**

(Давоми бор.)



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Камол аҳли аро, албатта, тошгай рутбаи олий, Маоний касбида кимсакил қилди хунар ихлос. ОГАҲИЙ
Ер юзида шундай яшашга уринки, топган пулинг фақат тўғрилиқ орқали келган бўлсин!
Абдибек ШЕРОЗИЙ
Бўлмасин оламда ризким кам десанг, Масъиятни кам қилғил ғам есанг.
Фаридиддин АТТОР
Бокмаса деҳқон чаманин туну кун, Наҳли тарин англа куруғон ўтун.
НАВОИЙ
Хар ким меҳнат қилса, охири пушаймон бўлмайди.
«МАҲЗАН АЛ-УЛУМ»
Оқибатулавр бўлув ҳаси зухур,
Меҳнат ўтуб бўлғуси фақил сурур.
ДУРБЕК
Бир ишбилармон ва меҳнатқашдин: «Ночор ва ожиз киши қандай бўлади?» деб сўрадилар. У киши шундай деди: «Ночор, ожиз, дангаса, ялқов киши шундай кишики, оилани боқишда, нарса топишда сушт бўлади. Ғайрати кам, ҳиммати эса паст бўлади, хотинининг ёнидан чиқмай, уйда ўтираверадилар».

«ФАВОҚИХ АЛ-ЖУЛАСО»
Машаққатсиз ҳаёт йўқ бунда асло,
Эзгуликни кўрмасдан умр битар.
Махмуд КОШҒАРИЙ
Эй ўғил, хунарсиз, дангаса ва ишқмас кишилар билан улфатлик қилма, уларнинг таъсири сенга ҳам уради, дангасаларнинг доимий фикру ўйи ишламасдан катта ёйиш, яхши кийинишдир. Улар беҳуда сўзлашни, вақтни хуш ўтказишни, танини семиртиришни ўйлайдилар. Семиз кишининг эса дил кўзи бекилган бўлади, доимо ором топишни ўйлайди, кўп еб семирлишни ўйловчи кишиларни донолар «ҳайвон табиатли кишилар» дейдилар.
Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ
Меҳнату ақлу вужуд иттифоқ,
Одамийда бўлса гар яхши тилак.
Халқ учун тебраттуси доим билак.
Анбар ОТИН
Лукмони Ҳаким ўз ўлғига деди:
— Эй ўғлим, ялқовлик кўчасига кирма, кўнглинг тор бўлмасин, чунки кимда ялқовлик ва бесабрлик бўлса, у ҳеч қачон бахтга эриша олмайдил!
«ЖОВИДОНИ ХИРАД»
Ҳақиқат аҳликим, чекти бу олам ичра меҳнатни,
Ўшал меҳнат ила охир топар жоҳ ила давлатни.
ПОШШОҲУЖА
Ўзгалардан тамаъ билан нарса тиламоқ кишини танбалликка олиб келади, иззат ва обрўни кетказида, охири кишини бахтсизлик кўчасига олиб келади, кишини шармисор қилиб, назардан қолдиради. Дангаса ва пасткаш кишилар билан улфат бўлишнинг натижаси шулардир. Демак, сен куллогинга куйиб олки, пастҳимматли кишилар ва хасис табиатли одамлардан узоқлашиш йўлини қидир, улар билан яқинлик қилма, уларнинг таъсири сенга уради!
Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ
Чу деҳқон чекмаса жавру жафосин,
Емишларнинг киши кўрмас вафосин.
МАЖЛИСИЙ
Ёз офтоби — кишга дори.
Меҳнат саломатлик гарови.
МИСКИН
Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнгул бу гарибликда шод ўлмади, оқ,
Гурбатда севинымс эмиш албатта киши.
БОБУР
Киши ўз меҳнат ва машаққат чекишлари жараёнида гарчи у инсонларнинг энг ақли ва энг зийрағи бўлса ҳам, хамиша шоду хурсандликни орзу қилиб, севинач келтирадиган нарсаларга мойил бўлади ва ёлғон кўриладиган нарсалардан тортинади.
Абу Райҳон БЕРУНИЙ
Давлатқа етиб меҳнат элини унутма,
Бу беш кун учун ўзунгни асру унутма.
БОБУР
Ғаму меҳнатдоруд эътиборим,
Ки мумтоз ўлди хористон аро ўт.
МУНИС
Заҳмат била топқонингни ўзингдан аяма ва меҳнат била йиққанингни дўстлар билан душманлар учун асрама.
НАВОИЙ
На хушдур эмгак ичра топса роҳат,
Чу марҳамдур, туташса гар жароҳат.
МАЖЛИСИЙ
Меҳнат камола етмай, роҳат нишони қайда,
Топмас иложи корин бечора осий банда.
ТОЛИБ ТОЛИБИЙ
Келиб ишрат, яна меҳнат туганди,
Кетиб меҳнат, яна давлат уланди.
МАЖЛИСИЙ
Дикар нахле чекиб меҳнат бировлар,
Вале андин кўрар роҳат бировлар.
Аваз ЎТАР
Роҳат муяссар ўлмас то чекмасанг машаққат.
ОРАЗИЙ
Билурсан заҳмина чун тоқатинг йўқ,
Кўлингин сўқмагил ақраб инина.
Сайфи САРОИЙ
Кўп ётма, сахар уйғона кўр арзи самога,
Ғофил юрма, бўлма гирифтор балага.
МАШРАБ
Тунда ухлагач, кундузи яна ухлаш умрни исроф қилишдир. Кўп ётиш хасталик келтиради. Уйкудаги одамнинг уйғоқ одамдан хабари бўлмайди.
«ОТАЛАР СЎЗИ»
Дангасалик ҳар вақт инсонни хор қилур.
Абдулла АВЛОНИЙ
Ялқовлик туфайли ишламай камбағаллашган кишини барча ёмон кўради, дўстлари ҳам ундан узоқлашади, болалар ҳам менсимай қўяди, камбағаллик барча балоларнинг бошланишидир.
«ФАВОҚИХ АЛ-ЖУЛАСО»
Бўлса танбаллик кишининг пешаси,
Теккай оёғина хорлик теҳаси!
Фаридиддин АТТОР
Махмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган

2006 — Хомийлар ва шифокорлар йили ЭЗГУ ТҮЙҒУЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ БИР МАЙИЗНИ ҚИРҚ КИШИ БЎЛИБ ЕЙДИ, ДЕГАН НАҚЛИ БЕЖИЗГА АЙТИЛМАГАН. ЗЕРО, БИР-БИРИГА САМИМИЙ МУНОСАБАТДА БЎЛИШ, КЎМАК ҚЎЛИНИ ЧЎЗИШ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚОН-ҚОНИГА СИНГИБ КЕТГАН ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТ ЭКАНЛИГИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС. ДАРВОҚЕ, ҲАР САФАР ЮРТИМИЗГА БИРОР ИШ БИЛАН САЁҲАТ ҚИЛГАН ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ САХОВАТПЕША, МЕҲМОҢДЎСТ ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТАЁТГАНЛИКЛАРИ АЙНИ ҲАҚИҚАТ. ШУ ЎРИНДА БУНДАН ЎН ЙИЛЧА МУҚАДДАМ ХАЛҚИМИЗНИНГ ВУЖУДИДА АВВАЛДАН МАВЖУД БЎЛГАН ҲОМИЙЛИК ФАЗИЛАТИГА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ АЗАЛДАН ЖАМОА ТҮЙҒУСИГА МОЙИЛ», ДЕЯ БЕРГАН ТАЪРИФЛАРИ ЁДГА ТУШАДИ.

Шу боис бўлса керак, жорий йил «Хомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинди. Аввало, 1997 йилдан эътиборан юртимизда ўтган ҳар бир йилга алоҳида ном бериб келинаётгани қувонарли ҳол эканлигини таъкидлаш ўринли. Чунки бу номларда мазкур йиллардаги ижтимоий тараққиётнинг бош йўналишлари, сафарбарлик ўз ифодасини топди. Бундан ўтган Сихат-саломатлик йилда аҳолининг саломатлигини асраш, тиббий саводхонлигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофиза қилиш борасида мамлакатимиз микёсида амалга оширилган ишлардан ҳам яққол сезиш мумкин. Аввало, шунга таъкидлаш лозимки, ўтган йили юртимиз микёсида кўплаб шифохоналар, поликлиникалар бунёд этилди, таъмирга муҳтожлари қайтадан таъмирланди. Қувонарлики, шифохоналаримиз замонавий тиббий технологиялар билан таъминланмоқда. Тошкент Давлат тиббиёт институти негизига Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил этилганлиги эса фахр билан айтиш мумкинки, юртдошларимизни қувонтирди. Ана шу кенг қўламақ савобли ишларни давом эттириш давр талаби эканлиги ҳар биримизга кундек равшан. Эндиликда Сихат-саломатлик йилининг мантиқий давоми бўлган Хомийлар ва шифокорлар йилида

бу борадаги хайрли ишлар янада юқори босқичга кўтарилади. Ҳокорида эсланганимиз саховатпешалик халқимизга хос одат экан, бизга ҳомийлик тушунчаси ҳам бегона эмаслигини гапириб ўтириш ўринсиз. Саховатнинг асл манбаи йиллар мобайнида ўз бошидан не не синоатларни ўтказган халқимизнинг бирликда, ҳамжихатликда яшашининг афзаллигини юрак-юракдан ҳис этишдан, ҳатто мушкулот ва ташвишни ҳам юртга келган тўй дея мардона кўтиб олиб, бир ёқадан бош қикариб, ташвишни бартараф этиб, бир бурда донани қўшиши билан баҳам кўришидан ҳосил бўлган маънавий дунёсидир. Бир-бирига уйғун тарзда асрлар оша яшаб келаётган саховат ва фидойилик замирида маънавият тушунчаси ётади. Чунки аслида саҳий киши фидойи ҳам бўлади, фидойи инсонгина бировга саховат намунасини кўрсата олади. Бу ҳар икки фазилатдан жамоа тўйғусига мойиллик туғилади. Президентимиз айтганларидек, элим деб, юртим деб ёниб яшаш замирида ҳам жамоа тўйғусига мойиллик ва Ватанга чекисиз садоқат ётади. Бу ўз-ўзидан давом эттириш давр талаби эканлиги ҳар биримизга кундек равшан. Эндиликда Сихат-саломатлик йилининг мантиқий давоми бўлган Хомийлар ва шифокорлар йилида

саховатпешалар сафи анча кенгайди. Бунга мулкдорлар синфи шаклланаётганидан ҳам пайқаш лозим. Шу туфайли ҳам саховат ахлоқий меъерлар ўртасида биринчи ўринда туради. Демак, саҳийликни шахс сиёсати даражасига кўтариш ҳам айти мудоаодир. Чунки саҳий киши юксак ахлоқ эгаси ҳам бўлади. Бинобарин, саҳий инсон саховат қилиши орқали юртдошларининг оғирини энгил қилиш баробарида фаолиятдан ўзи ҳам руҳланади, илҳом олади, янги марраларни эгаллашга интилади. Тан олишимиз керакки, Мустақиллик йилларида аждодларнинг авлодлар томонидан хотирланиши, ўзаро меҳр-оқибат анча кучайди. Хомийлар ва шифокорлар йилида буюк аждодларимиз Соҳибқирон Амир Темур, шевърати мулкнинг султони Алишер Навоий ҳамда ислом оламининг йирик намояндalarидан бири Хожа Аҳрор Валийларнинг хомийлик бобидаги беъмисл фаолиятларидан замондошларимизни, биринчи галда ёш авлодни хабардор этиш лозим. Чунки истеъдод эгаларининг камол топиши учун уларга ота-боболари фаолиятини, илмий меросини чуқур ўргатмоқ зарур ва шарт мезонлардан биридир. Ривожланган маънавиятли жамятларда истеъдод эгалари миллиятнинг гурури, юзи ва келажаги, деб қаралиши ҳам шундан. Мамлакатимизда ҳам айнан ана шу йўлдан борилаётгани ҳаммага аён. Соғлом авлод — миллат ва давлат ривожининг бош омил бўлганлиги сабаб ҳам Президентимиз томонидан хомийлик шифокорлик билан қийёсланди. Шундай экан, хомийлик дардиманднинг дардига шифо беришдек савоб ишдир. Савоб ишда эса таъма бўлмайди. Хулоса ўрнида хомийлик ўз бойлигидан бир қисмини муҳтожларга хайр-эхсон қилиш эмас, садақа бериш ҳам эмас, балки инсон қалбидаги энг эзгу тўйғуларининг амалий ифодаси эканлигини яна бир карра таъкидлаймиз.
Ақбар Йўлдошев

Диққат, назорат! ҲУРМАТЛИ ХҲЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАРИ!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича худудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ—3665 сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси вакиллари ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик кенгаши ташкил этилган. Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунлиги ҳақида шубҳалангансиз, комиссиянинг ишчи органга ёки Жамоатчилик кенгаши аъзоларига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.
Худудий комиссия ишчи органи — 55-67-42, 55-19-73.
Жамоатчилик кенгаши аъзолари:
С.Ҳакимов, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси раиси — 150-31-03.
П.Севчиқов, «ПТС» ҳусусий корхонаси директори — 79-38-54.
А.Мелкумов, «Совластитал» қўшма корхонаси бош директори — 76-53-33.
А.Сафарова, «Аватех» корхонаси директори — 117-51-15.
А.Ақромов, «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Тошкент» газеталарининг бош муҳаррири — 133-29-33, 133-21-56.
Б.Қосимов, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари — 133-02-46.
С.Ким, «Билдинг технолоджи» қўшма корхонаси директори — 152-31-12.
А.Исмаилов, «Green World» қўшма корхонаси директори — 90-15-65.
Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳуқуқ бўлими — 150-31-04.

Шахмат

ОЛИЙ ЛИГАГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШАБУСИ БИЛАН БИРИНЧИ ЛИГА ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ШАХМАТ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.
Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 80 нафар «ақл гимнастикаси» усталари ўртасидаги беллашувлар ниҳоятда қизиқarli ва мурасиди кенди. Шахмат усталарининг орасида спорт усталари, спорт усталигига номзодларнинг борлиги ҳар бир учрашувнинг ҳаяжонли курашлар остида ўтишни таъминлади. Мусобақалар якунида спорт усталаридан тўрт нафар олий лига йўлланмасини қўлга киритган бўлса, мутахассислару мухлисларда Георгий Ли ҳамда Холмирзаевларнинг ўзини тактикалари катта таассурот қолдирди. Мусобақа якунида чемпионат голиблари ва совриндорлари эсдалик совгалари билан тақдирланди.
Самандар ДОЛИЕВ

«Тошкент оқшом» саломатлик хизмати

«ЖИГИЛДОН ҚАЙНАШИ»НИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Доимий маслаҳатчи тиббиёт фанлари номзоди О. СОДИРХОНОВ тахрири остида
СОВУҚ ТУША БОШЛАШИ БИЛАН ОДАМЛАР ЖИГИЛДОН ҚАЙНАШИ (МЕЪДА ЗАРДАСИ)ДАН КЎПРОҚ АЗИЯТ ЧЕКИШЛАРИНИ КУЗАТИШ МУМКИН. ХЎШ, УНДАН «РЕННИ», «ГАСТАЛ», «МААЛОКС» КАБИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ ТЕЗ-ТЕЗ РЕКЛАМА ҚИЛИБ ТУРИЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЁРДАМИДА ҚУТУЛИШ МУМКИНИМИ?
Ҳақиқатан ҳам «жигилдоним қайнаб кетяпти» ёки «меъда зардаси қайнаб юборди» каби зорланишларни қарийб ҳар бир ўтиришда эшитиш мумкин. Бировлар унга қарши ўз билганларича чора кўришса, баъзилар сода ичишга одатланишган ва х.к. Аммо бундай чоралар давоси узоққа бормайди ва бу хасталик қайта-қайта безовта қилаверади.
Хўш, мутахассислар бу ҳақда нима дейишаркин? Уларнинг фикрича, жигилдон қайнашининг ўзи касаллик эмас, балки ошқозон, ичак яраси, ялиғланиши ва рефлюкс-эзофагит (қизил ўнғач хасталиги) билан оғриган беморларда учрайдиган касаллик аломатидир. Лекин, жигилдоннинг қайнаб бошлаши билан ўзингизга юқоридаги ташкиллардан бирини қўйишга ошқиканг.
Зеро, бунинг бошқа сабаблари ҳам оз эмас. Жумладан, соғлом кишиларда ҳам нотўғри овқатланиш, кофе, газли сув ва бошқа ичимликлар, алкоғол, шоклада истеъмолида меъёрдан ошиб кетиш ҳамда кўп чекишдан кейин меъда зардаси бот-бот учираб туради. Лекин бу ҳол одатий тусга кира бошласа, шифокорларга мурожаат этиш зарурати пайдо бўлади. Ўзбошимчалик билан турли воситалардан фойдаланиш касалликнинг аста-секин авж олиб, турли мураккаб-ликлар юзага келишига сабаб бўлади холос.
— Жигилдон қайнаши маккор ва холдан тўйдирувчи касаллик аломатларидан, — дейди ошқозон-ичак хасталиклари шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Р. Абдуллаев. — Унга матонат билан чидаг экансиз, ўзига азоб бериб роҳатланидиган мазохистларга ўхшаб кетасиз: сиз оғриқдан азобланиб юра-

верасизу, кислота ошқозон ва қизилўнғач шиллик пардасини емириб бораверади. Қарабсизки, кимёвий куйишга ўхшаш ҳолат юз беради.
Агар шундай ҳолат тез-тез такрорланадиган бўлса, ошқозон ялиғланиши ёки ярасини кутаверинг. Доимий жигилдон қайнаши қизилўнғачда Барретт синдроми авж олишига ва оқибат натижада рақ хасталигигача олиб келиши мумкин.
Ошқозон ва қизилўнғачни меъда зардасидан ҳимоя қилиш учун антацидлар (кислота антагонистлари) билан кислотани зарарсилантириш керак бўлади. Улардан кўпчилигини телерекламалардан билиб олгансиз. Улардан қай бирини танлаш мумкин?
Шифокорлар эндиликда «Тамс», «Ренни», оддий сода ва қўйдирилган магнезиани тавсия этишмайди. Буларнинг ҳаммаси сурилий кетадиган антацидлардан ҳисобланади. Қонга қўшилиб экан, уларнинг компонентлари ўша қоннинг кислоталилик даражасини ўзгартириши мумкин. Уларнинг таъсирида шундай кимёвий реакция рўй берадики, шу реакция жараёнида сода катта миқдордаги карбонат ангидрид газларини ажратиб

Мунажжим башорати

ҚАДРИЯТЛАРНИ ТАНЛАШДА ЯНГИЛИШМАНГ
8 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА
далолат. Агар калитингизни тушириб қўйсангиз, қулфингиз бузилиб қолса ёхуд донингиз сочилиб кетса — булар хавф-хатардан огохлантиришдир. Кун давомида бир исми бир неча бор эшитсангиз, яқин орада шундай исми киши билан учрашасиз.
Бу кеча кўрадиган тушларингиз пуч бўлиб, уларга эътибор беришининг хожати йўқ.
Бугун ошқозон анча заифлашган ҳолатда бўлади. Бинобарин, бўкиб овқатланиш мумкин эмас. Хамир овқат ва ҳазм бўлиши қийин бўлган таомлардан ўзингизни тортинг. Рухий ва асаб касалликларни хуруж қилиши эҳтимоли бора. Стоматолог ёки ортопедга мурожаат қилганлар учун бугунги кун хайрли бўлади.
Бошдан-оёқ ёрқин ва тоза, иложи борича янги кийимлар кийиш мақсадга мувофиқ. Оқ, сарик, оч яшил ранг либослар бугун айниқса омадли ҳисобланади. Барча хил қорамтир ва кулранг кийимлардан воз кечинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзсаноатқурилишбанк» Ақмал Икромов филиалининг 26003123-сонли Валюта айирбошлаш шохобчаси номига 2003 йил 20 октябрда Учтепа тумани ИИББ томонидан берилган штамп йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**
Абу Райҳон Беруний номдаги Политехника институти томонидан Юлдошев Дилшод Рихсибоевич номига берилган НВ №904781 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**
Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институти томонидан 2005 йил Саидқосимова Феруза Равшановна номига берилган ВН №017661 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**
Яккасарой туман худудий тиббиёт бирлашмаси, «Тоштўқимачи» тиббий-санитария қисми маъмурияти «Тоштўқимачи» тиббий-санитария қисми стоматология бўлими мудури Анара Ҳадиятовна Абдуллаевага укаси **Ботир Ҳадиятович АКРОМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИСА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-406

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади. 5218 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.
«Шарқ» нашрийт-матбоа оқиқдорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6